

Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!



ТОШКЕНТ ХАКИКАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ
ВА ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1986 йил 11 декабрдан
ЧИҚА БОШЛАГАН

• ♦ № 49 (8789).

1986 йил 6 март, пайшанба

• Баҳоси 3 тийин.

Совет Иттифоқи Коммунистик партияси XXVII съездининг КПСС Марказий Комитети Сиёсий доклади юзасидан РЕЗОЛЮЦИЯСИ

Совет Иттифоқи Коммунистик партияси XXVII съезди КПСС Марказий Комитетининг КПСС Марказий Комитети Бош секретари ўртоқ М. С. Горбачев томонидан қилинган Сиёсий докладини тинглаб ва муҳокама қилиб қайд этадики, ленинчи партиянинг ўзининг навбатдаги съездида янги бунёдкорлик тажрибаси билан бойланиб, жипслашган ва яқдиди ҳолда келди. Совет халқи КПССнинг программавий йўл-йўриқларини, партия XXVII съезди қарорларини амалга ошира бориб, экономикада, социал соҳада, маданиятда анча муваффақиятларга эришди. Совет давлатининг ташқи сиёсий позициялари мустақамланди, халқаро обрўси ошди. КПСС тинчлик ва социал тараққиёт учун кураш байроғини баланд кўтариб бормоқда.

Ҳозирги бурлиш босқичида, мамлакат ичарисиданги ва халқаро майдондаги сифат жиҳатидан янги вазиятда партиянинг марксизм-ленинизмга содиқлиги, унинг вазиятнинг чуқур тушуниб етиш ва реализмга тарафдорлиги, тажрибадан тўғри сабак чиқара олиш, етилган проблемаларни ҳал этиш йўллари топиш, барча асқирган, умрини яшаб бўлган нарсаларни бартафат этиш қобилияти яна бир бор намоён бўлди.

КПСС Марказий Комитетининг 1985 йил апрель Пленуми халқ ҳўжалигидаги ва ижтимоий ҳаётнинг бошқа соҳаларидаги аҳволни ҳар томонлама таҳлил қилиб чиқди, мамлакатнинг социал-иқтисодий тараққиётини жадаллаштиришга қаратилган стратегик йўлни таърифлаб берди, бу йўлни коммунистлар, барча совет кишилари қизғин қўллаб-қувватладилар. Пленум камчилликларни дадил очиб ташлади, қийинчиликларни ва нуқсонларни халққа рўй-роҳ айтиди, олға томон ҳаракатга кучли туртки берди, амалий ишларга ғайрат билан киришди, интизом ва ишчанликни қатъий мустаҳкамлаш сари тўб бурилишни бошлаб берди.

КПСС Марказий Комитети апрель Пленуми қарорларининг, КПССнинг янги тахрирдаги Программаси, партия Уставига ўзгартишлар, СССРни иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг 1986—1990 йилларга ҳамда 2000 йилгача бўлган даврга мўлжалланган Асосий йўналишлари лойиҳаларининг умумхалқ томонидан маъқулланганлиги, партия билан халқ бирлиги янада мустаҳкамланганлигини, партиянинг раҳбарлик роли ўсганлигини билдиради, социализмнинг иқтисодий ва маънавий потенциалини янада тўла-роқ фойдаланиш учун янгидан-янги имкониятлар очиб беради.

Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг XXVII съезди қарор қилди:

КПСС Марказий Комитетининг сиёсий йўли ва амалий фаолияти маъқуллансин;
Марказий Комитетининг съездга Сиёсий докладида баён этилган қондалар, ҳулосалар ва вазифалар маъқуллансин, барча партия ташкилотлари ўз ишларида уларга амал қилсин.

I.

1. Съезд КПСС Марказий Комитетининг Сиёсий докладида ҳозирги жаҳон тараққиётининг асосий тенденциялари ва эволюцияларининг таҳлилини, докладида берилган баҳолар

ва чиқарилган ҳулосаларни тасдиқлайди ва қўллаб-қувватлайди.

2. XX аср тараққиёти ҳаққоний равишда социализм билан боғланмоқда. Жаҳон социализми қудратли халқаро уюшмадир. У юксак даражада ривожланган экономикага, замонавий илмий базага, мустаҳкам ҳарбий-сиёсий потенциалга таянади. Социализм ижтимоий проблемаларни принцип жиҳатидан бошқа — коллективчилик асосида ҳал этиш мумкинлигини ҳаммаиш этиб келмоқда, шу йўлдан боруви мамлакатларни тараққиётнинг юксакроқ марраларига олиб чиқди.

Социализм ижтимоий муносабатларни муттасил такомиллаштирмоқда, эришилган ютуқларни собитқадамлик билан қўлайтирмоқда, ўз намунасининг кучи ва ишончилигини ошириб бормоқда, бутун турмуш тарзининг реал инсонпарварлигини намоён қилмоқда. Тенг ҳуқуқчилик ва ўзаро ҳурмат асосида халқларнинг тинчлиги ва равиш топиши йўлида кенг халқаро ҳамкорликда иштирок этишга доимо тайёр турганлигини намоён қилмоқда. Бу билан социализм уруш ва милитаризм, реакция ва эўравонлик идеологияси ва сиёсати, инсониятга нисбатан Душманлиқнинг барча формаларига қарши тобора мустаҳкам тўсиқ яратмоқда, инсониятнинг социал тараққиётга актив ёрдам бормоқда.

3. Ҳозирги замон капитализми фан-техника революцияси таъсири остида ва унинг умумий шароитида гоят даражада ўсиб кетган ишлаб чиқарувчи кучлар билан ижтимоий муносабатларнинг ҳусусий мулкчилик характери ўртасидаги конфликтни яна ҳам кескинлаштирмоқда. Капитализмнинг умумий кризиси янада чуқурлашиб бормоқда. Капитализм ўз барча эволюцияларининг бир-бири билан мислсиз даражада қирмашиб кетишига, уларнинг бир-бирини қучайтира боришига, шу қалар кўп социал, иқтисодий ва бошқа кризис ва тўқнашувларга дуч келмоқда, у ўзининг бутун тарихи давомида бундай вазиятга дуч келмаган эди. Ҳозирги замоннинг барча асосий проблемалари вужудга келганлиги, сақланиб турганлиги, кескинлашганлиги учун капитализм жавобдордир.

Капитализмнинг тўб эволюцияси — меҳнат билан капитал ўртасидаги андидининг кучайиши, ҳозирги шароитда ўз оқибагидан бири ўлароқ, баъзи етакчи капиталистик мамлакатларда сиёсийнинг, бутун ички вазиятнинг янада жиддийроқ ўнгга оғиши хавфини тугдирмоқда.

4. Ҳозирги шароитда империализм инсониятнинг ўзи яшаб туришига тобора кўп хавф солмоқда. Империализмнинг энг муҳлиш маҳсули милитаризм бўлиб, у буржуа жамиятнинг бутун сиёсий машинасини ўз таъсири ва манфаатларига бўйсиндиришга, маънавий турмуш ва маданиятни ўз назорати остига олишга интилоқда.

Асримиздаги урушлар ва конфликтлар учун, қуролланиш пойгасининг бошланиши ва узлуксиз кучайиши учун, бу пойганинг янги йўналишлари очилганлиги учун жавобгарлик фақат ва фақат империализм зиммасига тушади. Ядро қуролли биринчи бўлиб қўллаган империализм ҳозир янги, эҳтимол, ўнглаб бўлмаё қилинади — қуролланиш пойгасини космосга кўчиришга, бутун планетани нишонга олишга тайёргарлик кўрмоқда.

Империализм янги мустамлакачиликнинг манкорона си-

тасини вужудга келтирди. Ривожланаётган давлатларнинг қаттиқ эксплуатация қилиш империализмнинг милитаристик йўлдаги тайёргарликларини, унинг ички сиёсатини, унинг ўзининг яшаб туришини маънаф билан таъминлашнинг тобора муҳим омилга айланимоқда. Империализм тобора кучлироқ бир тарада ўзини бутун инсониятга қарши қўймоқда.

5. Тарих, ижтимоий тараққиёт жараёни давлатлар ва халқларнинг бутун планета миқёсида конструктив, бунёдкорлик йўлидаги ўзаро таъсирини йўлга қўйишнинг тобора қатъийроқ талаб этмоқда. Икки системанинг мусобақаси, тарихан қарама-қаршилиги билан бир вақтда жаҳон ҳамжамияти давлатларининг кучайиб бораётган ўзаро боғлиқлиги тенденцияси ҳозирги жаҳон тараққиётининг реал диалектикасидир. Кўп жиҳатдан ахлит эдидиятди, лекин ўзаро боғлиқ дунё қарама-қаршиликлар кураши орқали таркиб топа боради. Жаҳон тараққиёти, унинг ҳозирги босқичи — сўз ташқи сиёсат, жамиятнинг иқтисодий ва социал лаёқати, маънавий қиёфаси тўғрисида борадими-йўқми — барибир, ҳар бир давлат олдинга айниқса қаттиқ талаблар қўймоқда.

XX асрнинг сўнги ўн йилликлари планета халқлари олдинга мушкул ва ўткир проблемаларни қўйди. Энг муҳим умумбашпайри вазифаларни ҳал этиш аҳтиёжи планета халқларини биргалашиб ҳаракат қилишга ундади, инсониятнинг ўз-ўзини сақлаб қолиш тенденцияларига йўл очиб бериши лозим. Жаҳон тараққиёти жараёни бунинг учун зарур модий, социал-сиёсий шарт-шароитларни яратмоқда. Съезд бунинг замонавий реалликларида жавоб берадиган қарорлар ва ҳаракатларнинг стимули, деб билади.

Бутун дунёдаги тинчликсевар ва тараққиёпарвар кучлар империализм солиб турган хавфни бартафат этиши, дунёни ядро уруши ёқасига келтиришни тўхтатиб қўйиши, космосни жанг майдонига айлантиришнинг олдини олиб қолиши мумкин. Инсон ҳаёти, унинг ҳар томонлама намоён бўлиш имконияти, ижтимоий тараққиёт манфаатлари ҳамма нарсадан муҳимдир. Съезд КПССнинг ва Совет давлатининг амалий фаолиятини ана шунга қаратади.

II.

1. Экономика партия фаолиятининг асосий соҳаси бўлиб келди ва шундай бўлиб қолади. Худди шу соҳада тинчлик шароитида совет кишиларининг моддий ва маънавий жиҳатдан бой, социал жиҳатдан тўқис турмушини таъминлаш учун, жамиятнинг сифат жиҳатдан янги ҳолатига эришиш учун шарт-шароит вужудга келтирилади.

Съезд қайд қилдики, КПССнинг учинчи Программаси қабул қилинганда кейин ўтган чорак аср мобайнида мамлакат халқ ҳўжалиги анча илгари силжиди. Миллий даромад қариб 4 марта, sanoat ишлаб чиқариши 5 марта, қишлоқ ҳўжалиги ишлаб чиқариши 1,7 марта кўпайди. Бир қатор энг муҳим маҳсулот турларини ишлаб чиқариш бўйича Совет Иттифоқи дунёда биринчи ўринни мустаҳкам эгаллаб турибди. Халқ фаровонлиги ўсди. Аҳоли жон бошига тўғри келадиган реал даромадлар 2,6 марта, ижтимоий истеъмол

фондлари 5 мартадан зиёдроқ кўпайди. Қўпчилик оилаларнинг уй-жой шароити яхшиланди. Мамлакатимизнинг фан, маориф, соғлиқни сақлаш ва маданиятни ривожлантириш соҳасидаги ютуқларини ҳамма тан олган.

Съезд эришилган ютуқларга тегишли баҳо бериш билан бирга социал-иқтисодий тараққиётдаги қийинчиликлар ва салбий жараёнларга эътиборни жалб этади, булар 70-йилларда ва 80-йиллар бошларида намоён бўлди. Шу вақтда экономиканинг, меҳнат унумдорлигининг ўсиш суръатлари сезиларли даражада пасайди, самарадорлиқнинг бошқа баъзи кўрсаткичлари ёмонлашди, фан-техника тараққиёти сустлашди, экономикада номуносивонликлар кучайди. Беш йиллик план топириқлари бажарилмади, мўлжалланган социал тадбирлар ҳам тўлиқ ҳажмда бажарилмай қолди. Съезд орқад қолишнинг асосий сабаби деб шунини ҳисоблайдики, иқтисодий вазиятнинг ўзгаришига ўз вақтида сиёсий баҳо берилмади, экономикани интенсив тараққиёт методларига қўчириш заруратининг ўткирлиги ва кечиктириб бўлмаслиги англаб етилмади, иқтисодий сиёсатни, ҳўжалик механизминини, ҳўжалик фаолияти психологиясининг ўзини қайта қуришдан иборат этилган масалаларни ҳал этишда собитқадамлик ва изчиллик кўрсатилмади. Кейинги вақтдаги эўр беришларга қарамай, аҳволни тўла-тўқис тузатишга муваффақ бўлинмади.

Ана шундай шароитда экономикани ривожлантиришдаги ноқулай тенденцияларни қисқа бир муддат ичида қатъий ва узиб-кесиб бартафат қилиш, экономикани юксак даражада жўшқинлик баҳиш этиш, чинакам революцион ўзгаришларга кенг йўл очиб бериш, ана шу жараёнларга меҳнатташлар кенг таъбақаларини жалб этиш энг муҳим умумпартиявий, умумдавлат вазифасидир.

2. Съезд мамлакат социал-иқтисодий тараққиётини жадаллаштириш юзасидан КПСС Марказий Комитети ишлаб чиққан концепцияни, уни амалга ошириш бўйича қўйилган амалий қадамларни, бутунлай маъқуллайди. Партиянинг стратегик йўли ҳар тарафлама ривожланган ишлаб чиқарувчи кучларга, етук социалистик ишлаб чиқариш муносабатларига, созилаган ҳўжалик механизмига эга бўлган юксак даражада таъмин этилган ва самарали экономикани ўтишни амалга оширишдан иборатдир. Ўн иккинчи беш йиллик ишлаб чиқаришда чуқур сифат ўзгаришлари ясада муҳим босқич бўлади.

Съезд партия, совет, ҳўжалик, жамоат ташкилотлари зиммасига халқ ҳўжалигини интенсив ривожланиш йўлига ўтказиш юзасидан белгиланган программавий кўрсатмаларни оғишмай амалга оширишни ўз фаолиятларига асос қилиб олиш вазифасини юқлайди. Ҳўжалик қурилишига ҳамма босқичларда раҳбарлик қилишда диққат маркази миқдорий кўрсаткичлардан сифат ва самарадорликка, оралиқ натижалардан — пировард натижаларга, ишлаб чиқариш фондларини қўлайтиришдан — уларни янгилашга, ёнгилар, хом ашё ресурсларини қўлайтириш боришдан — улардан фойдаланиш яхшилашга, фан билан боғлиқ тармоқларни тез ривожлантиришга қўйилсин. Структура ва инвестиция сиёсати шунга мувофиқ равишда қайта қуриلسин.

(Давоми иккинчи бетда)

СОВЕТ ИТТИФОҚИ КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ XXVII СЪЕЗДИНИНГ ҚАРОРИ

КПСС XXVII СЪЕЗДИ НОМИГА ЮБОРИЛГАН ХАТЛАР ВА ШИКОЯТ-АРИЗАЛАР ТЎҒРИСИДА

1. КПСС XXVII съезди номига юборилган хатлар ва шикоят-аризаларни кўриб чиқиш соҳасида съезд Секретариатининг ўтказган иши тўғрисидаги

ахбороти маълумот учун қабул қилинсин.

2. КПСС XXVII съезди номига юборилган хатлар ва шикоятларни кўриб чиқиш соҳасидаги иш-

ни ниҳоясига етказиб, гражданларнинг мурожаатларида баён этилган илтимослар, тақлифлар ва мулоҳазаларни амалга ошириш юзасидан зарур

чора-тадбирларни кўриш КПСС Марказий Комитетига топширилсин.

Совет Иттифоқи Коммунистик партияси XXVII съездининг бориши тўғрисида ИНФОРМАЦИОН БИЛДИРИШ

Совет Иттифоқи Коммунистик партияси XXVII съездининг 1986 йил 4 мартдаги кечқурунги мажлисида музокара-ларда КПСС Доғистон область комите-тининг биринчи секретари М. Ю. Юсу-пов, Амур область «ЦентроБМСтрой» трести ёишт терувчи-монтажчиси Г. С. Костенко, СССР Фанлар академияси Н. И. Вавилов номидаги умумий генети-ка институтининг директори А. А. Сози-нов ўртоқлар сўзга чиқдилар.

Шон-шўхратга чўлганган жановар бай-роқлар остида СССР Қуролли Кучлар-ининг делегацияси залга кириб келади. Съезд қатнашчилари совет жангчилар-ини ўринларидан туриб, давомли қар-саклар билан кутиб олдилар.

Совет Армияси ва Ҳарбий-Денгиз Флотининг шахсий состави номидан танк дивизиясининг командири генерал-майор В. С. Михайлов съездни табриклади. У Қуролли Кучларининг жангчилари Вата-нимизнинг муқаддас чегараларини пух-та қўриқлайдилар, деб Коммунистик партияга, бутун совет халқига ваъда берди. Интернационал бурнга садоқатли Совет Қуролли Кучлари социалистик ҳамдўстлик мамлакатларининг қардош армиялари билан биргаликда социализм-нинг буюк ғалабаларини ҳимоя қилишга,

ҳар қандай агрессорга қақшатқич зарба беришга доим тайёрдилар.

Мажлис охирида Жаҳон қасаба союз-лари федерациясининг Раиси Шандор Гашпар, Исроил Коммунистик партияси Марказий Комитетининг Бош секретари Меир Вильнер, Сурия Коммунистик пар-тияси Марказий Комитетининг Бош сек-ретари Халид Бағдош, Канада Комму-нистик партиясининг Бош секретари Уильям Каштан ўртоқлар съездни таб-рикладилар.

Совет Иттифоқи Коммунистик пар-тияси XXVII съезди 1986 йил 5 март ку-ни ўз ишини давом эттирди.

Эрталабки мажлисда «СССРни иқ-тисодий ва социал ривожлантиришнинг 1986—1990 йилларга ҳамда 2000 йилгача бўлган даврга мўлжалланган Асосий йў-налишлари тўғрисидаги» докладни му-ҳокама қилиш юзасидан музокара-ларда Қозоғистон Компартияси Қўчатов об-ласть комитетининг биринчи секретари ўртоқ М. Р. Сағдиев сўзга чиқди.

Сўнгра съездни Буюк Британия Ком-мунистик партияси. Бош секретари ўртоқ Гордон Макленнан табриклади.

Сўнгра музокара-ларда Новолипецкда-ги Ю. В. Андропов номи металлургия комбинати директори И. В. Францевик,

КПСС Иркутск область комитетининг биринчи секретари В. И. Ситников ўр-тоқлар сўзга чиқдилар.

Шу билан доклад муҳокамаси юза-сидан музокара-лар тўхтатилади.

Съездда муҳокама этилаётган масала юзасидан қарор лойиҳасини тайёрлаш учун тузилган комиссия номидан ўртоқ Л. Н. Зайков сўзга чиқди.

Съезд СССРни иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг 1986—1990 йиллар-га ҳамда 2000 йилгача бўлган даврга мўлжалланган Асосий йўналишларини киритилган қўшимчалар ва ўзгаришлар билан биргаликда бир овоздан тасдиқ-лади ва мазкур масала юзасидан қарор қабул қилди.

Съезд Секретариатининг КПСС XXVII съезди номига келган хатлар, мурожа-атлар, тақлифлар, мулоҳазалар ва ши-коят-аризаларни кўриб чиқиш юзасидан қилинган ишлар ҳақидаги ахбороти маъ-лумот учун қабул қилинади. Съезд бу ишни охирига етказишни КПСС Марка-зий Комитетига топширди ва тегишли қарор қабул қилди.

Сўнгра съезд кун тартибидаги навбат-даги масалани кўриб чиқишга — партия марказий органларини сайлашга кириш-ди.

М. С. Горбачевнинг Г. Холл билан учрашуви

4 март куни КПСС Мар-казий Комитетининг Бош секретари М. С. Горбачев КПСС XXVII съездида қат-нашаётган АҚШ Компартия-сининг Бош секретари Г. Холл билан учрашди.

Халқаро вазият ва жаҳон коммунистик ҳаракатнинг актуал проблемалари юза-сидан фикрлашиб олинди.

Г. Холл XXVII съездга юксак баҳо бериб, М. С. Горбачев қилган Сиёсий до-клад, КПССнинг янги тахрир-даги Программаси, съездининг

бошқа ҳужжатлари ҳозирги дунё воқеалари асосида марксизм-ленинизм таъли-моти ҳар томонлама ижодий ривожлантирилганлигини бил-диради, деб таъкидлади. Съезд барча тараққиёпар-вар кучлар курашини қу-чайтиришда қудратли омил бўлади, деди Г. Холл.

КПСС ва АҚШ Компар-тияси коммунистик ҳаракат инсониятни ядро фалокат-дан қутқариб қолиш учун, ҳозирги жаҳон тараққиёти проблемаларини халқлар-

нинг манфаатларини қўзлаб ҳал этиш учун курашаётган энг изчил куч бўлиб қо-лмоқда, деган фикрда яқдиди-дилар, деб таъкидлади суҳбатда. Бу курашда ҳар бир партия тўла мустақил ва тенг ҳуқуқли бўлгани ҳолда коммунистлар жипс-лигининг аҳамияти қайд этилди.

Суҳбат КПСС билан АҚШ Компартияси ўртасидаги қар-дошлик муносабатларига хос ўртоқлик вазиятида ўтди.

(ТАСС).

Халқаро «Вега» лойиҳаси:

Галлей кометасининг дастлабки тасвирлари олинди

Олис космик алоқа маркази, 4 март. [ТАСС]. Бугун Москва вақти билан соат 9 дан 10 ми-нут ўтганида Совет планета-лараро «Вега-1» станцияси Ер-дан 171 миллион километр ва Галлей кометасидан 14 мил-лион километр масофада бўл-ганида, шу самовий jisмининг дастлабки тадқиқотлари бош-ланди. Олис космик алоқа марказидан берилган коман-да-ларга мувофиқ, станциянинг иллий приборлари ишга со-линди, унинг эргашувчи плат-

формаси кометани излади ва унга телевизион системани рoстлад. Платформадан ўрна-тилган телевизион камералар ёрдам билан ҳар хил нур филътрлари орқали комета бир ярим соат мобайнида сьемка қилинди. Сеанс чоғида кометанинг гoятда сифатли не-ча ўнлаб тасвирлари олинди. Телевизион сигналнинг космик аппаратдан Ерғача етиб келиш вақти 9 ярим минут бўлди. «Вега-1» автомат станцияси Галлей кометасига яқинлашиб

бормоқда. 5 март эрталаб 7 миллион километр чамаси ма-софадан шундай илмий ўлчаш сеанси ўтказилди, 6 март ку-ни эса космик аппарат комета ядросидан бир неча минг ки-лометр энг яқин масофадан ўтди ва уни комплекс тадқиқ-этади ва сьемка қилди.

Телеметрик ўлчаш маълу-мотларига кўра, «Вега-1» пла-неталаро станциясининг ич-ки ва телевизион системалари нормал ишлаб турибди.

СОВЕТ ИТТИФОҚИ КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИНИНГ XXVII СЪЕЗДИ

Совет Иттифоқи Коммунистик Партияси XXVII съездининг КПСС Марказий Комитети Сиёсий доклади юзасидан РЕЗОЛЮЦИЯСИ

(Давоми. Боши биринчи бетда).

Партия фан-техника тараққийини тубдан жадаллаштириши, техниканинг энг юқори умумдорлини ва самарадорлиги таъминловчи янги туркумларини, принципиал жиҳатдан янги технологияларни кенг жорий этиш вазифасини халқ ҳўжалигини интенсификацияси асосий воситаси сифатида олдинда сурди. Съезд фан ва техниканинг энг замонавий ютуқлари негизда халқ ҳўжалигини техник жиҳатдан чуқур реконструкциялашни амалга оширишни биринчи даражада вазифа деб қўяди. Ҳар бир тармоқ, корхона ва бирлашма ишлаб чиқаришни мўтасил янгиллаб туришининг аниқ программасига эга бўлиши керак. Ишнинг моҳиятини юзаси тадбирлар ўтказиш билан, ярим-ёрти қарорлар қабул қилиш билан алмаштирадиган, техникани реконструкция қилишнинг ўзини бузадиган раҳбарлардан қатъий масъулият талаб қилиш даркор.

Фан-техника тараққийини жадаллаштиришда машинасозлик етакчи роль ўйнаши зарур, уни жуда қисқа муддатлар ичида юксак техникани даражага кўтариш зарур. Замонавий электрон-ҳисоблаш техникасини ишлаб чиқиш ва оммавий равишда ишлаб чиқариш энг муҳим вазифадир. Ёқилғи-энергетика комплекси тубдан реконструкция қилиниши, Энергетика программасининг бажарилиши таъминлашни керак. Металлургия ва халқ ҳўжалигини химиялаштиришни ривожлантиришда, янги конструкция ва бошқа прогрессив материаллардан бўлган ахтирғи қондиришни таъминлаш соҳасида кўп иш қилиш лозим бўлади. Партия ишлаб чиқариш инфраструктурасини, биринчи навбатда транспорт ва алоқаи техник жиҳатдан қайта қурулантиришга, шунингдек, енгил саноатни ҳамда бевосита аҳоли ахтирғиларини қондириш йўлида ишлаётган бошқа тармоқларни устуни даражада ривожлантиришга жуда катта аҳамият беради.

Съезд халқ ҳўжалигини реконструкциялаш ишлари авж олдириб юборилганлиги муносабати билан капитал қурилиш тубдан яхшилаш, бутун қурилиш комплексини янги индустриал ва ташкилий даражага кўтариш, инвестиция даврини анча қисқартириш зарурлигини таъкидлайди.

Съезд фанни халқ ҳўжалигини техник жиҳатдан қайта қурулантириш ахтирғилари сари дадил буриш, уни ишлаб чиқариш билан маҳкам қўишиш, шу мақсадда интеграция ва ўзаро алоқанинг ўзини оқлаган янги формалардан фойдаланиш, тадқиқотларнинг натижаларини амалиётга жорий этишни тезлаштириш, академияга мансуб ва тармоқ институтлари, олий ўқув юрталари илмий потенциалининг самарасини ошириш, илм аҳли ўринбосарларини тайёрлашни яхшилаш вазифасини ўртага қўяди.

3. Партиянинг ҳозирги аграр сиёсатини кўнгил билан амалга ошириш, СССР Озиқ-овқат программасини бажариш партия, совет, ҳўжалик органларининг, барча коммунистларнинг, бутун халқнинг биринчи навбатдаги вазифасидир. Аграрсаноат комплексини ривожлантиришда шундай қатъий сиёсий лозимки, токи ўн иккинчи беш йилликдаёқ аҳолини озиқ-овқат билан таъминлаш жиддий суратда яхшилансин. Аграрсаноат комплекси барча бўйинларининг аниқ, иқтисодий жиҳатдан бир-бири билан боғлиқ равишда ишлашига эришиш, фан-техника тараққийининг қийлоқ ҳўжалиги ва у билан боғлиқ тармоқларни янада барқарор ривожлантиришга эришишга қўрсатилган таъсирини кучайтириш муҳимдир.

Аграрсаноат комплексининг моддий-техника баасини бундан бўён ҳам изчил ривожлантириш бориб, ҳозирнинг ўзидаёқ вужудга келтирилган қудратли ишлаб чиқариш потенциалдан фойдаланиш самардорлигини тубдан ошириш, энг кўп самара берадиган йўналишларга куч ва воситаларни мамлаш зарур.

Интенсив технологияларни ҳамма жойда ўзлаштиришга, чинакам ҳўжалик ҳисоби негизда коллектив пудратни ривожлантиришга, аграрсаноат ишлаб чиқаришининг ҳамма босқичларида махсуслот исроф бўлишини камайтиришга, жуда қисқа муддатларда қийлоқ ҳўжалиги хом ашёсини сақлаш ва қайта ишлаш учун зарур база яратишга алоҳида эътибор берилиш, қийлоқни социал қайта қуриш иши жадаллаштирилиш, қийлоқ меҳнаткашлари тўғрисида, уларнинг меҳнат ва турмуш шароитлари ҳақида доимо ғамхўрлик қилиб турилиш.

Аграрсаноат комплекси системасида таъсирчан ҳўжалик механизмни яратиш соҳасида ташкилий қайта қуриш, шунингдек янги йил тадбирлар қуриш ана шу вазифаларни ҳал қилишга хизмат қилиши даркор, бу тадбирлар аграрсаноат комплекси бўлимавлари ишида иқтисодий методларни кенг қўланиш учун, колхозлар, совхозлар, бошқа корхоналарнинг мустақиллиги ва ташаббускорлигини анча ошириш учун шароит яратишга, ҳўжасизликка ва биронинг қарамоди бўлишга йитилишга қатъий барҳам беришга қаратилгангидир. Қийлоқда ҳўжалик юритиш шароитларини тубдан ўзгариш аграрсаноат комплекси раҳбарлиги қилинишиг устул ва методларини жиддий равишда яхшилашни талаб қилади.

Меҳнат коллективларининг ишлаб чиқариш фаолиятига ишнинг қўзғини билмай туриб аралашилдан, аграрсаноат комплекси бошқарув органларининг вазифасини бажаришдан воз кечиш зарур. Янги шартларда СССР Госагропромси системаси ва иттифоқда республикалар Министрлар Советларининг мамлакатни озиқ-овқат ҳамда қийлоқ ҳўжалик хом ашёси билан таъминлаш борасидаги масъулияти анча ортади.

4. Социал-иқтисодий тараққийини жадаллаштириш йўли ҳўжалик механизмни тубдан қайта қуриш, бошқаришнинг демократик централизм принципти асосланган, социализм имкониятларидан тўлароқ фойдаланиш имконияти берадиган ахлит, самарали ва пухта бошқариш системасини яратиш зарурлигини таъкид этади. Съезд КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Советига яқин вақт ичида бошқариш ва ҳўжалик юритиш формалари ва методларини ҳозирги талабларга мувофиқ келтириш учун зарур тадбирлар комплексини ишлаб чиқиш вазифасини топширади.

Ана шу мақсадларда:

— партия иқтисодий стратегиясининг асосий вазифаларини амалга оширишга марказлашган тарзда раҳбарлиги қилинишиг таъсирчанлиги кучайтирилиш, аниқ вақтда бирлашмалар ва корхоналарнинг роли ҳамда мустақиллиги, уларнинг чинакам ҳўжалик ҳисоби, ўз харажатларини ўзи қоплаш ва ўз-ўзини маъна билан таъминлаш асосида, коллективлар оладиган даромадлар даражасини иш самардорлигига бевосита боғлиқ ҳолда жорий этиш асосида энг юқори пировард натижаларга эришишдан манфаатдорлиги ва масъулияти оширилиши;

— халқ ҳўжалигининг барча босқичларида раҳбарлигининг иқтисодий методларига ўтилиш, планлаштириш, молия-кредит механизми, нарх белгилаш системаси такомиллаштирилиш, моддий-техника таъминоти қайта қурилиш;

— ишлаб чиқаришни концентратиялаш, ихтисослаш ва кооперациялаш, бир-бири билан боғлиқ тармоқларнинг, территориялаш ишлаб чиқариш ва бошқа тармоқлардан бирлашмаларнинг комплексларини ривожлантириш тенденциялари ҳисоба олинган ҳолда бошқаришда замонавий ташкилий структуралар қўланилиши;

— ҳўжаликни тармоқ ва территория бўйича бошқаришни оптимал равишда қўиш олиб бориш, республикалар ва регионларни комплекс иқтисодий ва социал ривожлантириш, республика ва маҳаллий органларнинг биринчи навбатда қурилишга, соҳаларро ишлаб чиқаришларга, социал ва ишлаб чиқариш инфраструктурасига раҳбарлиги қилишдаги ҳўқуқлари янада кенгайтирилиши таъминлансин.

5. Съезд белгиланган вазифаларнинг муваффақиятли бажарилиши учун халқ ҳўжалигидаги мавжуд резервларни мумкин қадар кўпроқ сафарбар қилиш талаб этилади, деб таъкидлайди. Партия, совет, ҳўжалик, жамоат ташкилотлари ўз куч-ғайратларини ушшоқлик ва иттизомни мустаҳкамлашга, ҳўжасизликни йўқотишга қаратишлари керак. Мавжуд ишлаб чиқариш қувватларидан тўла фойдаланишга, хом ашё, материаллар, ёқилғи ва энергияни бутун чоралар билан текашга, ресурсларни тежайдиган ва чиқитиш технологияни қўллашга, иккиламчи ресурсларни жалб қилишга, ишлаб чиқариш маромини оширишга, шартнома бўйича махсуслот етказиб беришни сўзсиз бажаришга асосий эътибор берилиши зарур. Махсуслот сифатини ва бутун ишнинг сифатини тубдан яхшилаш учун мумкин қадар кўп куч-ғайрат сарфлаш зарур. Ана шу ғоят муҳим умумхалқ вазифасини ҳал қилиш учун фан ва техниканинг замонавий ютуқларига таянган ҳолда барча корхоналарнинг, барча бошқарув бўйинларининг кучи мумкин қадар тўла сафарбар этилиши керак. Сифатини ошириш учун кўнгил билан кун сайин кураш олиб бориш ҳар бир коммунистнинг, ҳар бир меҳнатқашнинг ишга айланиши шарт.

Бутун иқтисодий, ташкилий ва сиёсий ишлар шунга қаратилиш лозимки, бунда қийинларини ишлаб чиқаришга ишнинг қўзғини билб манфаатдорлик билан муносабатда бўлишлари, уларнинг бошқарув ишларида тобора активроқ иштирок қилишлари, меҳнаткашларнинг ижодий ташаббускорлиги олишти таъминлансин, ўн иккинчи беш йиллик планларининг бажарилиши учун социалистик мусобақа ишчилар билан ушотирилиш. Ишлаб чиқариш илгирларини рағбатлантиришда маънавий омилнинг ролини ҳар жиҳатдан ошириш, зарбдорлик, стахановчилик ҳаракати ағъаналарини кенгроқ ривожлантириш зарур.

6. Съезд актив, ахлит социал сиёсатни ўтказишга, халқнинг фаровонлигини ошириш юзасидан ўн иккинчи беш йиллик ва истиқбол учун белгиланган, кишилар турмушининг ҳамма томонларини қамраб олган программани амалга ошириш ишларига жуда катта аҳамият беради. Планлаштириш ва бошқарув органларининг эътиборини қатъий билан социал соҳа ахтирғиларига, бундаги етилган проблемаларга етарли аҳамият бермаслик ҳолларини батамом бартараф қилишга қаратиш лозим. Мансабдор шахслар фаолиятда ишларининг ахтирғиларига ҳар қандай эътиборсизлик билан қарашга, кишиларнинг қонуний манфаатларига зарар етказишга асло йўл қўйилмаслиги керак. Партия социал адолат принципти қатъий риоя қилади, бу принципнинг оғимига амалга оширилишга халақит берадиган ҳамма ҳолларнинг бартараф этилишига кўнгил билан эриша боради.

КПСС халқ фаровонлигини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтарилишиг кенгайтирилган программасини илгари сурди. Бунда кишилар турмушининг яхшиланishi ҳар бир ҳодимнинг, ҳар бир ишлаб чиқариш коллективининг меҳнатдаги ва ижтимоий иш соҳасидаги самараси ўсиши билан чамбарчас боғлиқ бўлиши лозим.

Съезд меҳнат меъёри билан истеъмол меъёри устидан назоратни кучайтириш, иш қанچини меҳнат умумдорлигига, унинг сифат қўрсаткичларига боғлиқлигини ана ҳам кучайтириш зарур деб ҳисоблайди. Текисчиликка қатъий барҳам берилиши, қийинмаган ишга йўл тўлаштиришга, ўринсиз муқоратлар берилишга йўл қўйилмаслиги керак, меҳнатсиз даромадларга қарши, социализмнинг «Ҳар қимдан қобилиятга яраша, ҳар қимга меҳнатига яраша» деган асосий принципини босқича чекинишларга қарши мурасасизлик билан кураш олиб бориш керак. Яқин вақт ичида техникхўрларга, социалистик мулкни талон-тороқ қилувчиларга, порахўрларга қарши қаратилган қўишмча чоралар амалга оширилиши.

Марказдаги ва жойлардаги партия, давлат, ҳўжалик органлари бозорини сифатли товарлар билан тўлдирish ҳамда хизмат қўрсатиш масалаларига муносабатини тубдан ўзгартиришлар, халқ истеъмолчи товарлари ишлаб чиқаришга ва хизмат қўрсатиш соҳаларини ривожлантиришнинг комплекс программалари сўзсиз бажарилишини таъминлашлар, бу энг муҳим вазифани ҳал қилишга ҳар бир республика, ўлка, область, халқ ҳўжалигининг ҳар бир соҳаси, меҳнат коллективлари қўишдан ҳиссаи олиб боришлар. Маҳаллий органларнинг аҳоли харид талабларини қондириш учун масъулияти оширилиши.

Ҳар бир оилани белгиланган муддатларда алоҳида квартира ёки уй таъминлаш мақсадида уй-йў қурилиш ва уй-йў фонднинг реконструкция қилиш қўишлари кенгайтириб борилиш, кооператив ва яқна тартибдаги уйлар, ёшлар комплексларини қуриш ҳар жиҳатдан рағбатлантирилиши, уй-йўнинг тақсимлаш иши яхшилансин.

7. Социал соҳада сифат силичишларига эришиш меҳнатда, унинг мазмунинда албатта чуқур ўзгариш қилинишини, умумдорлигини оширишни, қўл меҳнати ва кам малакали меҳнати кескин камайтиришни, кадрларни тақсимлаш ва қайта тақсимлаш давлат системасини такомиллаштиришни таъкид қилади. Съезд узлуksиз таъминнинг ягона системасини вужудга келтириш вазифасини ўртага қўяди. Шу мақсадларда умумий таълим ва ҳунар мактабларини изчиллик билан ислох қилиб бориш, ўқитиш ва тарбия ишлари самардорлигини оширишга кўнгил билан эриша бориш, ўқувчи-ишчиларнинг компьютер соҳасида саводли бўлишини таъминлаш, ёшларни мустақил ҳаёт ва меҳнатга тайёрлашни тубдан яхшилаш керак. Олий ва ўрта махсус таълим ишларини қайта қуриш, мутахассислар тайёрлаш ва улардан ишлаб чиқаришда фойдаланиш системасини такомиллаштириш зарур деб ҳисоблансин. Ишчилар ва халқ ҳўжалиги мутахассисларининг малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш ишлари ҳозирги замон талабларига мувофиқ ҳолга келтирилиши.

Соғлиқни сақлашни яхшилашга, оммавий физкультура ва спортни, туризмни ривожлантиришга, кишиларнинг, айниқса ёшларнинг бўш вақти мазмунли ўтишини таъминлашга қаратилган муҳим тадбирлар қурилиши зарур. Съезд соғлом турмуш тарзини қарор топтириш, ичкиликбозлик ва алкогольизмга барҳам бериш юзасидан КПСС Марказий Комитети ташаббуси билан бошланган ва совет халқи актив қўллаб-қувватлаётган ишнинг жуда ҳам муҳимлигини қайд қилиб ўтади, бу иллатга қарши курашда ҳеч қандай бўшаувчанликка ўрин бўлмаслиги лозим.

Табиати муҳофазаси қилиш ва унинг ресурсларидан рационал фойдаланиш проблемаси ҳозирги шароитда жуда ҳам муҳим аҳамият касб этмоқда. Бу жуда катта проблемани ҳал қилишда ишлаб чиқариш плавли асосда ташкил қилинган, дунёқарашни инсонпарварликдан иборат бўлган социализмнинг афзалликларида тўла фойдаланилиши лозим.

8. Партия ўз сиёсатида синфлар ва ижтимоий гуруҳларнинг тўб манфаатлари, уларнинг ўзига хос манфаатлари умумийлигини пухта ҳисоба олиб боришга жуда катта аҳамият беради, чунки уларнинг тўб манфаатларининг умумийлиги совет жамаиятининг мустаҳкам бирлигининг, коммунистлик қурилиш вазифаларини муваффақиятли ҳал қилишнинг зарур шартидир. Съезд ишчилар синфининг етакчи ролини таъминлаш, ишчилар синфи, колхозчи деҳқонлар ва меҳнатқаш зиёлиларнинг иттифоқини мустаҳкамлаш КПСС сиёсатининг негизи деб ҳисоблайди. Социалистик турмуш тарзини такомиллаштириш, коллективизмнинг қарор топиши ва шахсининг ривожланиши учун мумкин қадар кўпроқ имкониятлар яратиш зарур.

Оилани янада мустаҳкамлашга, бошлар тарбияси учун ота-оналар масъулиятини кучайтиришга, хотин-қизларнинг меҳнат ва турмуш шароитини — оналикни меҳнат ва жамоат фаолиятда актив қатнашиш билан муваффақиятли бирга қўиш олиб боришга имкон берадиган шарт-шароитларни яхшилашга қаратилган чораларни амалга ошириш лозим. Аҳолининг мактабгага тарбия бошлар муассасаларига бўлган эътижи яқин йиллар ичида тўла-тўқис қондирилиши.

Партия, совет органларининг, жамоат ташкилотларининг бурчи — уруш ва меҳнат ветеранлари тўғрисида қудуқлик ғамхўрлик қилишдан, уларнинг ҳўжалик ва ижтимоий-сиёсий ҳаётда янада кенгроқ қатнашишларига ёрдам беришдан иборат.

9. Ҳозирги илмий сиёсат соҳасидаги ленинча принципларига содиқ бўлган КПСС бундан бўён ҳам мамлакатимиз халқларининг қардошларча дўстлигини ҳормай-томай мустаҳкамлаб боради, меҳнаткашларни совет ватанпарварлиги

ва интернационализм руҳида тарбиялаб боради, миллий муносабатларнинг ривожланишига алоқадор бўлган, ҳар бир миллат ва элнинг манфаатига, кишиларнинг миллий ҳис-туйғуларига алоқадор бўлган масалаларда алоҳида сезгирлик қўрсатади ва ахтирғилорлик билан иш қўради, бу соҳада пайдо бўлган масалаларни ўз вақтида ҳал қилади, миллатчилик ва шовинизмнинг, маҳаллийчиликнинг ҳар қандай қўишмиларига қарши принципиал кураш олиб боради.

Партия ташкилотлари республикаларнинг ҳар жиҳатдан ривожланиши тўғрисида, мамлакатнинг ягона халқ ҳўжалик комплексини мустаҳкамлашда, кўп миллатли давлатимиз — Совет Социалистик Республикалари Иттифоқининг иқтисодий қудратини ва мудофаа қобилиятини мустаҳкамлашга ҳар бир республиканинг қўишдан ҳиссасини ошириш тўғрисида доимо ғамхўрлик қилишлари лозим.

III.

1. Тараққийини жадаллаштириш стратегияси ижтимоий муносабатларни янада такомиллаштириш, сиёсий ва идеология муассасалари ишнинг мазмунини, формалари ва методларини янгиллаш, социалистик демократияни чуқурлаштиришнинг ўз ичига олади.

Съезд жамаиятининг сиёсий системасини такомиллаштириш, Советлар, касаба союзлари, комсомол, меҳнат коллективлари, халқ контролнинг активлаштириш, ошкоралигини кучайтириш соҳасида Марказий Комитет томонидан амалга оширилган тадбирларга юксак баҳо беради. Партия В. И. Лениннинг «Йонли, ижодий социализм халқ оmmasининг ўз ишидир» деган қўрсатмасига амал қилиб, бундан бўён ҳам ваколатли ва бевосита демократиянинг барча формаларидан янада самаралироқ фойдаланиш тўғрисида, давлат қарорларини ва бошқа қарорларни ишлаб чиқиш, қабул қилиш ва амалга оширишда халқ оmmasининг иштирокини муттасил кенгайтириб бориш тўғрисида доимо ғамхўрлик қилади, халқнинг социалистик ўз-ўзини бошқарувини изчил чуқурлаштириб боришининг етакчи кучи ва гарови бўлади.

2. Съезд СССР Олий Советининг, иттифоқдош ва автоном республикалар Олий Советларининг қонунчилиги ривожлантириш, ўзига ҳисобот бериб турувчи органларнинг ишини назорат қилиб туриш, барча босқичдаги халқ депутатлари Советларига раҳбарлиги қилиш соҳасидаги фаолияти тобора ишчан ва самарали бўлиб боришини муҳимлигини таъкидлайди. Оммаи жамаиятни социал-иқтисодий ва маънавий жиҳатдан ривожлантиришни жадаллаштиришга сафарбар этишда, аҳолининг қудуқлик ҳаётига, кишиларнинг талаб ва ахтирғиларини қондиришга оид барча масалаларни ҳал қилишда маҳаллий Советларнинг ролини ошириш, ишчи яхшилаш йўлини янада қатъий билан амалга ошириш керак. Шу муносабат билан яқин вақт ичида Советларнинг мустақиллиги ва масъулиятини кучайтиришга, уларнинг юқори идораларга бўйсунувчи корхоналар ва ташкилотлар билан ўзаро алоқа қилиш механизмининг созилашга қаратилган тадбирларни ишлаб чиқиш лозим. Съезд сайлов практикасини такомиллаштириш масаласининг ўртага қўйилиши тўғри ва вақти келган иш деб ҳисоблайди.

Бошқарувда демократик асосларни янада чуқурлаштириш, Советлар ижрокомларининг, бошқа давлат органларининг фаолиятда аниқлик ва оперативлигини ошириш тўғрисида доимо ғамхўрлик қилиб туриш, маҳкамачилик ва маҳаллийчилик, масъулиятсизлик ва бюрократизм, кишиларга расмийчилик-бепаровонлик билан муносабатда бўлиш қўишларига қатъий барҳам бериш керак. Ижрокомларнинг, судьяларнинг, министрларнинг ва бошқа бошқарув органларига раҳбарларнинг меҳнат коллективлари ва аҳолининг йиғилишлари олдига ҳисобот бериб туриш системасини мунтазам ва фаол ишлашнинг таъминлаш зарур. Бошқарув аппарати ишнинг меҳнаткашлар томонидан назорат қилинишиг турли формалардан самаралироқ фойдаланиш лозим. Съезд Совет ва жамоат органлари аппаратининг масъул ҳодимларини аттестация қилиб туриш системасини жорий қилиш тўғрисидаги тақлифни қўллаб-қувватлайди.

3. Тараққийини ҳозирги босқичи жамоат ташкилотлари олдига муҳим вазифалар қўймоқда.

Энг оммавий ташкилот бўлган касаба союзлари меҳнаткашларни халқ ҳўжалик планларини бажаришга сафарбар этиш, социалистик мусобақани ривожлантириш, иттизомни мустаҳкамлаш, меҳнат умумдорлигини ошириш соҳасидаги ишларни юксак масъулият билан олиб бориш керак. Касаба союзлари ва уларнинг сайлаб қўйиладиган органларининг вазифаси меҳнаткашларнинг қонуний манфаатларини янада мақсадда мувофиқроқ равишда ва янада кўпроқ қатъий билан ҳимоя қилишдан, меҳнатни муҳофазаси қилиш ва техник ахтирғиларни тўғрисида, соғломлаштириш, спорт, клуб ва бошлар муассасаларини қуриш ва уларнинг иши тўғрисида ғамхўрлик қилишдан, бутун социал сиёсатини амалга оширишда активроқ иштирок этишдан иборат.

Партия ташкилотлари Ленин комсомолга у ўзининг тўб вазифасини бажаришда — янги жамаиятининг фаол, онгли, коммунист идеалларига содиқ, меҳнатсевар, жасорат ва фидойиликка тайёр турган қурувчиларини тарбиялаб етиштиришда барча чоралар билан ёрдам беришлари зарур. Ижтимоий ҳаётнинг турли соҳаларида ёшларнинг ўзини қўрсатиш йўлидаги ҳаракатини қўллаб-қувватлаш зарур. Ишлаб чиқариш, фан, маданият, бошқарув соҳаларидаги раҳбарлик ишларига ёшларнинг муносиб намояндаларини қўиш йўлини изчиллик билан амалга ошириб бориш керак.

Касаба союзлари ва комсомолнинг, ижодий союзлар ва қўишги жамаиятлар, хотин-қизлар ташкилотларининг ролини янада ошириш мақсадида съезд давлат органлари фақат тешиш жамоат ташкилотларининг иштирокида ёки улар билан олдидан келишиб ҳал қилиш мумкин бўлган масалалар доирасини кенгайтириш, жамоат ташкилотларига бир қанча ҳолларда бошқарувга оид қарорларнинг амалга оширилишини тўхтатиб қўиш ҳўқуқини беришни зарур деб ҳисоблайди.

4. Бевосита демократия барча формаларидан фойдаланиш ва аввало меҳнат коллективларини активлаштириш, уларда социалистик ўзаро ёрдам ва талабчанлик муҳитини яратиш, меҳнаткашларда ишлаб чиқаришнинг тўла ҳўқуқли ҳўжасини бўлиш, жамаият олдидagi мажбуриятларини бажариш учун юксак масъулият туйғусини тарбиялаш партия алоҳида аҳамият бериши керак бўлган тадбирлардир. Меҳнат коллективлари тўғрисидаги қонунда мустаҳкамланган демократик принциплар ва нормаларни амалга ошириш механизмининг тубдан яхшилаш, меҳнат коллективлари узил-кесил ҳал қиладиган масалалар доирасини кенгайтириш, ишчи ва хизматчилар умумий йиғилишларининг ролини, уларнинг қарорларини бажариш учун масъулиятини ошириш лозим. Съезд корхоналар даражасида меҳнат коллективларининг умумий йиғилишлари ўртасидаги даврда амал қиладиган меҳнат коллективлари кенгашиларини ташкил этиш, шунингдек корхоналардаги раҳбар ҳодимларнинг сайлаб қўйилишини аста-секин кенгайтира бориш тўғрисидаги тақлифларни қувватлайди. Партия ва давлат органларининг колхоз ва кооперативларга ўз-ўзини бошқарувининг демократик асосларини ривожлантириш, кооператив ташкилотларнинг устуларига қатъий амал қилиниши тўғрисидаги ғамхўрлигини кучайтириш зарур.

Мамлакат ҳаётининг муҳим масалаларини бутун халқ муҳомааси ва овозига қўиш, маҳаллий Советлар қарорлари лойиҳаларини аҳоли муҳомаасига қўиш практикасини янада такомиллаштириш, бевосита демократиянинг бошқа воситаларида: грандларнинг йиғилишлари, сайловчиларнинг халқлари, матбуот, радио, телевидение, меҳнаткашларнинг хатлари, жамоат фикрини аниқлашнинг барча воситаларидан яхшироқ фойдаланиш керак.

Съезд давлат органлари ва бошқа органларнинг фаолиятда ошкоралигини кенгайтиришга, улар қабул қиладиган қарорлар ва уларнинг бажарилиши қандай бораётганлигидан аҳолининг хабардорлигини оширишга принципиал аҳамият беради.

5. Съезд давлат ва жамоат ҳаётининг ҳўқуқий асослари муттасил мустаҳкамланиб боришга, қонунларга қатъий амал қилинишга, совет кишиси ҳўқуқ ва эркинликлари гарантйаларининг мустаҳкамланиб боришга муҳим аҳамият беради. Ҳўқуқ-тартиботни муҳофазаси қилиш органлари ҳамда

қонунларни амалда қўлланиш, ҳўқуқ-тартиботни, социалистик мулкни, совет граждандарининг қонуний манфаатларини муҳофазаси қилиш билан боғлиқ бўлган бошқа органлар кадрларининг масъулиятини қатъийлик билан ошириб бориш, прокурор назоратининг самардорлигини, судлар ва адвокатура ишнинг савиясини кескин ошириб бориш, Давлат арбитражи, Советлардаги, корхона ва ташкилотлардаги юридик хизматнинг ҳўжалик муносабатларида қонунийликни, давлат ва шартнома иттизомини янада мустаҳкамлаш соҳасидаги фаолиятини такомиллаштириш зарур. Совет кишиларида, айниқса ёшларда юксак граждандлигини шакллантириш, уларни ахлоқий ва ҳўқуқий жиҳатдан тарбиялаш уларнинг социал-сиёсий активлигини, камчиликларга ва ҳўқуқ-тартиботни бузиш ҳолларига мурасасизлигини, жамаият ва давлат манфаатлари тўғрисида ғамхўрлик қилишнинг ривожлантиришининг таъсирчан воситаларидан бири бўлиб қолмоғи керак.

6. Имперализмнинг СССР ва бошқа социалистик мамлакатларга қарши қўлурувчилик ҳаракати кучайиб бораётган бир шароитда Давлат хаёфсизлиги органларининг масъулияти анча ошади, уларнинг вазифаси юксак ҳўшёрлик намуналарини қўрсатишдан, давлат ва ижтимоий тузумимизга путур етказиш ёки уни заифлаштириш йўлидаги ҳар қандай уринишларни ўз вақтида фош қилиш ва уларнинг олдини олишдан иборат.

Съезд мамунини билан қайд қиладики, партия, унинг Марказий Комитети, Марказий Комитет Сиёсий бюроси тинмай ғамхўрлик қилиш тўғрйли СССРнинг мудофаа қудрати совет кишиларининг тинч яратувчилик меҳнатини ишончи равишда таъминлайдиган даражада сақламлоқда. Қўролли Қўларнинг жанговар тайёрларлигини барча чоралар билан ошириш, Армия ва Флот жангчиларини, барча совет кишиларини ҳўшёрлик ва социализмнинг буюк ғалабаларини ҳимоя қилишга доим тайёр туриш руҳида тарбиялаш бундан бўён ҳам партия, давлат ва халқнинг жуда муҳим вазифаларидан бири бўлиб қолмоғи лозим.

IV.

СОВЕТ ИТТИФОҚИ КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИНИНГ XXVII СЪЕЗДИ

Совет Иттифоқи Коммунистик партияси XXVII съездининг КПСС Марказий Комитети Сиёсий доклади юзасидан Р Е З О Л Ю Ц И Я С И

(Давоми. Боши иккинчи бетда).

КПСС Ўзро Иқтисодий Ердан Кенгаши аъзолари бўлган мамлакатлар фан-техника тарқиёти Комплекс программасининг қабул қилиниши алоҳида аҳамиятга эга бўлган иш деб билади, социалистик иқтисодий интеграциянинг ҳал қилувчи йўналишларида новаторларча, ташаббускорона жонбозлик кўрсатиши совет коммунистлари, олимлари, инженерлари, ишчиларининг виждоний бурчи деб ҳисоблайди.

Съезд социалистик мамлакатларнинг меҳнат коллективлари, жамоат ташкилотлари, ташкилотларининг кенг алоқа боғлашларини маъқуллаш билан бирга фикрлар, гоилар, социалистик қурилиш таърибаси билан бир-бирини бойитишнинг аҳамиятини ортб бораётганлигини қайд этади. Бу турмуш олдига сураётган проблемаларни ҳал қилишга, синий дўшмак вужудга келтиришга ва фойдаланишга уринаётган танг вазиятларнинг олдини олишга, унинг баъзи бир социалистик мамлакатларни бошқа социалистик мамлакатларга қарама-қарши қўйиш йўлидаги уринишларига қаршилик қилишга, турли социалистик давлатларнинг манфаатларини ўзаро уйғунлаштиришга, энг мураккаб муаммоларни ҳам ўзаро мақбул тарзда ҳал этиш йўллари топишга ёрдам беради.

6. КПСС барча коммунистик партиялар билан, жаҳон социалистик системасидаги барча давлатлар билан ҳалол, очиқ-ойдин муносабатда бўлиш, улар билан ўртоқларча фикрлашиш тарафдоридир. Партия социалистик давлатларнинг бир-бирига яқинлашуви йўлидаги ҳар бир қадамни, уларнинг ўзаро муносабатларидаги ҳар бир ижобий сўзлашувни таъриблийди.

Шу муносабат билан съезд СССРнинг ўз буюк қўшини — социалистик Хитой билан ўзаро муносабатлари маълум даражада яхшиланганлигини, бир қанча халқаро проблемаларга ёндашуларда тафовут борлигига қарамай, бошқа мамлакатлар манфаатига зарар етказмаган ҳолда, тенг ҳуқуқликка асосланган ҳамкорлиқни ривожлантириш имкони вужудга келганлигини қониқчи билан қайд этади. Съезд ишондики, бундай ҳамкорлик резервлари жуда катта, чунки бундай ҳамкорлик ҳар иккала мамлакатнинг тўб манфаатларига жавоб беради, бу мамлакатларнинг халқлари учун гоёт қадри бўлган социализм ва тинчлик бир-биридан ажралмасдир.

7. Халқаро коммунистик ҳаракатнинг ажралмас қисми бўлган КПСС совет жамиятини Октябрь оған ва қўриб берган йўлдан муваффақиятли олга силиштириб боришни ўзининг ана шу халқаро коммунистик ҳаракат олдидаги асосий интернационал бурчи деб билади.

